

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch



2021 йил
17 август, сешанба
№ 102 (4542)

Ўз вужудингга
тафраккур
айлагил,
Ҳар не истарсен,
ўзунгдин
истагил.

Алишер Навоий

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Кун нафаси

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий **Усмонхон Алимов** 15 август куни хасталик туфайли вафот этди. Президент **Шавкат Мирзиёев** таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.



Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев** Туркиянинг шимолӣ вилоятларида юз берган сув тошқинлари оқибатида қўллаб инсонлар қурбон бўлгани, бинолар ва инфраструктура объектларига катта зиён етгани муносабати билан Туркия Президенти **Режеп Таййип Эрдоганга** ҳамдардлик билдирди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган **Тошкент вилояти** ва **Тошкент шаҳри** чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси қабул қилинди.



Жорий йилнинг **24 август – 5 сентябрь** кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI ёзги Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Унда **Ўзбекистонлик паралимпиячилар** илк бор **8 та спорт тури** бўйича рақобатга киришади.

Пойтахтимизда янги хоккей мавсумига старт берилди. Қисқа танаффусдан сўнг муҳташам «Хумо Арена» муз саройида **«Тошкент» ҳамда «Снежный барс» болалар хоккей клублари тарбияланувчилари ўртасида ўртоқлик учрашуви** бўлиб ўтди.

Ойбек Норинбоев Ўзбекистон география жамаиати раиси этиб сайланди.

Жорий йилнинг **17-31 август** кунлари Дубай шаҳрида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида **бокс бўйича Осиё чемпионати** бўлиб ўтди. Мусобақада иштирок этадиган боксчиларимиз **Бирлашган Араб Амирикларида** жўнаб кетди.

Ҳадия Абдуллаева Ўзбекистон банклари ассоциацияси бош директорининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди.



Жиноят ишлари бўйича **Мўйноқ тумани суди** биноси реконструкция қилиниб, **фойдаланишга** топширилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Август таровати



Қашқадарё вилояти

Ўзги соғломлаштириш

Ёрқин лаҳзалар

Яккабоғ туманида болажонларнинг ўзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ўтказиш, «Барча яхши нарсалар – болаларга» шиорини татбиқ этишга катта эътибор қаратилди. Мухими, эпидемиологик эҳтиёт чоралари кўрилди.



Мавсумни намунали ўтказиш учун туман халқ таълими ва мактабгача таълим бўлими билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилди. Аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Натижада Яккабоғ туманидаги кам таъминланган ходимларнинг 220 нафар фарзандини соғломлаштиришга эришилди. Мавсумнинг биринчи ва иккинчи босқичида туманимиздаги Мирзо Улуғбек номли оромгоҳда 105 нафар, Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари»да 55 нафар ва Яккабоғ туманидаги «Истиқлол ғунчалари» болалар дам олиш масканида 60 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бўйича ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, жисмоний чиниқтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича турли мавзудаги тадбирлар ва кечалар, спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар ташкил этилди.

Алишер ХОННАЗАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси



Навоий вилояти



Истиқлолнинг 30 йиллигига 30 та янги иш ўрни

Замонавий технологияларда ишлаш завқи

Хатирчи туманининг «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қиймати 30 миллион АҚШ доллари тенг бўлган «Хатирчи textile» ип-калава ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Ҳозирча мазкур корхонага 430 нафар ёшлар ҳамда 31 нафар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ишга қабул қилинди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлади, иш ўрни 1000 тага етади ҳамда йилига 6 миллион метр квадрат ҳажмдаги газлама ва 4 минг тонна бўялган ип-калава ишлаб чиқарилади.

– Биз учун ҳамма шароит яратилган, – дейди корхона ишчиси Фаридахон Исомиддинова. – Ўн

йилдан буён ишсиз эдим. Ишлаш, айниқса, замонавий технологияларда ишлаш кишига олам-олам қувонч бахш этар экан...

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши томонидан корхонага шартнома асосида қарз бериш ёки унинг устав фондига ҳиссадор бўлиб кириш орқали 30 та янги иш ўрни яратиш бўйича манзилли дастур асосида ташкил қилинган мазкур корхона келгуси йилдан эътиборан тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди.

Ўз мухбиримиз

Келгуси сонларда ўқинг...



Оролбўйида
павловния экиш
оммавийлашади(ми?)



Гендер тенглик
мавжудми?



Ажойиб ихтиро



Жиззах вилояти

Кўрик-танлов

НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Касабаси уюшмалари лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи» республика танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда «Энг яхши сектор раҳбари» сифатида Бахмал тумани ҳокими, тумандаги 1-сектор раҳбари Муса Анорбоев эътироф этилган бўлса, Дўстлик туманидаги «Манас» МФЙ раиси Жалил Кенжаев «Энг яхши маҳалла раиси», Шароф Рашидов туманидаги «Холмўминов Зоҳид» фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориева «Энг намунали аёл иш берувчи» деб топилди.

Жиззах шаҳридаги «Санобар она» хусусий тадбиркорлик корхонаси раҳбари Санобар Юсуповага эса «Касабаси уюшмалари лауреати» мукофоти республика танловининг вилоят босқичи ғолиблиги насиб этди.

Энди улар танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичини якунлади.



– Кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичларида 1 минг 568 та бошланғич ташкилот иштирок этди, – дейди Тошкент вилояти кенгаши раиси Муроджон Носиров. – Яқиний хулосаларга кўра, 31 та касабаси уюшма ташкилотининг иш фаолияти намунали деб топилди.

Раёсат қарорига биноан аъзолари сони юз нафаргача бўлган бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари орасида биринчи ўрин Ангрен шаҳар 38-сонли

мактабгача таълим ташкилотига насиб этди.

Аъзолар сони юз нафардан ортиқ бўлган бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари орасида «Angren shaka» МЧЖ бошланғич касабаси уюшма қўмитаси биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғўломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

ҒОЛИБЛАР САФИДА КИМЛАР БОР?



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Аъзолари сони 100 нафардан кам бўлган бошланғич ташкилотлар орасида Ангрен туманидаги 9-мактабгача таълим ташкилоти, «Агробанк» АТБнинг Музработ тумани филиали, Сурхондарё вилояти тери-таносили касалликлари диспансери, Сурхондарё вилояти статистика божқармаси ва «Star tekstil» масъулияти чекланган жамиятларининг бошланғич касабаси уюшма қўмиталари ғолиб бўлишди.

100 нафардан ортиқ ходимлар ишлайдиган меҳнат жамоалари ўртасида Шеробод туманидаги 27-умумтаълим мактаби, «Шўрчидон-

маҳсулотлари» акциядорлик жамияти, Денов тумани тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилояти ички ишлар божқармаси, Бойсун туманидаги Ободонлаштириш божқармаларининг касабаси уюшма қўмиталари ғолиб сифатида эътироф этилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳрулло МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши «Ташкилий ишлар» бўлими мудири

Фаргона вилояти



ЮТУҚЛАР СИРИ – ҲАМЖИХАТЛИКДА

«Қўқон алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси» корхонаси электромеханиги Анна Листкованинг соғлиги ёмонлашиб, касалхонага ётди. Шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозимлигини айтишди. Корхонанинг жонқуяр касабакўм раиси Сарвар Тўйчиев Аннанинг шифо топиб, соғайиб кетиши учун ёрдам қўлини чўзди. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробари миқдориди моддий ёрдам ажратилди. Шифохонадан чиққач ҳам Анна Листкова ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди. Бундай ғамхўрлик Аннанинг яна тезроқ «оёққа» туриб олишига мадад бўлди...

Корхонанинг яна бир ишчиси Шодия Қодирова «Аёллар дафтари»да рўйхатда туради. Шу боис, унга касаба уюшма томонидан доимий тарзда кўмак кўрсатилиб борилади. Яқинда Шодия-хонга навбатдаги озик-овқат маҳсулотлари юборилди ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз сафида 511 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштирган «Қўқон алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси» темирйўл тизимидаги муҳим вазибаларни бажаради. Корхонанинг асосий фаолияти темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, комплекс техник воситаларни сифатли алоқа билан таъминлаш ва умумий узунлиги Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари бўйлаб 602,2 км.дан иборат темир йўл линиясига, жумладан, 47 та қўриқланадиган, 49 та қўриқланмайдиган темир йўл бекатларидаги сигнализация ва алоқа қурилмаларига, локомотив кабиналарига ўрнатилган 57 комплект автоматлаштирилган светофорларга хизмат кўрсатишдир.

Шунингдек, Қўқон, Марғилон, Олтиариқ ва Андижонда телефон-телеграф станцияларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳам улар зиммасида. Бундан ташқари, вагон ғилдираклари қизиганлигини автоматик равишда аниқлайдиган ускуналар ёрдамида поездларни техник назоратдан ўтказиш корхона зиммасида.

Темирйўлчиларнинг меҳнат ша-

роитини яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш ва бўш пайтини кўнгилли ўтказиш учун етарлича қулайликлар яратилган. Жамоа шартномасига кўра, ходимларга тўйлари, юбилей саналари, жамоада кўп йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан фахрийларга моддий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деганларидек ходимларни юртимиз бўйлаб саёҳатларга олиб бориш ҳам одат тусига кирган. Мана яқинда корхонанинг 33 нафар ишчи-ходими кўҳна кент – Бухорои шарифга саёҳат қилиб қайтдилар. Бундан ташқари, корхонада ишламайдиган меҳнат фахрийларининг тарихий шаҳарларга саёҳатлари ҳам йўлга қўйилган.

Ходимларнинг саломатлиги касаба уюшма кўмитасининг доимий диққат марказида. Ходимлар имтиёзли йўлланмалар асосида

Бошланғич ташкилотларда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сўлим сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтмоқдалар. Масалан, жорий йилда кўп йиллардан бери корхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаётган Ваҳобжон Турдиев «Оқтош» санаторийсида, электромеханиклар Бахтиёр Сулаймонов, Носиржон Тўйчиев ва электромонтёр Ойдин Парпиев «Чимён» санаторийсида ҳордиқ чиқариб қайтишди.

– Аъзоларга нафим тегса, уларнинг мушуқлини осон қилсам, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан, – дейди Қўқон алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Сарвар Тўйчиев. – Чунки ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оғир кунларида елкадош бўлиш касабақўмнинг биринчи галдаги вазифаси. Аъзоларимизнинг 3 нафари «Аёллар дафтари»да, яна 3 нафар ходимимиз «Ёшлар дафтари»да рўйхатда туради. Уларнинг оилавий шароитини яхши билганимиз учун иқтисодий жиҳатдан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Қолаверса, ёрдамга муҳтож ишчи-ходимларнинг 68 нафарига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонамизда ёшларнинг истиқболига алоҳида эътибор қаратилган. Ёшлар кунли муносабати билан 16 нафар фаол ёшларимизга маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан моддий қўмақлашилди.

Корхона турли кўрик-танловларда ҳам муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ўтган йили «Электр энергияси ва ёқилғи ресурсларини тежаш» бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшма ташкилоти тармоқ кўрик-танловида 3-ўринни, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси» номинацияси бўйича 3-ўринни, жорий йилда «Электр энергияси ва ёқилғи ресурсларини тежаш» бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшма ташкилоти тармоқ кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади.

Қаерда ўзаро ҳамжиҳатлик бўлса, ўша ерда ўсиш бўлади. Буни яхши англаган корхона раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ходимларга муносиб меҳнат шароитини яратган ҳолда янада юқори чўққиларга эришиш йўлида дадил одимламоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

Навоий вилояти

Очиқ мулоқот

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жорий йилнинг 15-16 июль кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги нутқидан келиб чиқиб кенг жамоатчиликка қилган Мурожаатининг мазмун-моҳияти Навоий вилоятидаги корхона-ташкилотларда очиқ мулоқот тарзида касаба уюшма фаолларига етказилляпти.

Хусусан, бу каби тадбирлар «Навоийазот» АЖ, «Навоий ҲЭТК» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ, «Қизилқум-цемент» АЖ, «Жанубсанотмонтаж» АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси, Нурота тумани «Мармаробод» МЧЖ, Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, Кармана тумани Мудофаа ишлари бўлими, Навоий вилояти тери-таносил касалликлар диспансери каби бир қатор корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтди.

Дилафрўз ЎРОЗОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ташаббус

ХОДИМЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўз ваколати доирасида янгидан-янги ташаббусларни кўтариб чиқаётир. Яқинда ташкилот ходимларининг 20 нафарига бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан велосипед совға қилинди. Бундан ташқари, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган 20 нафар киши ҳам касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали раҳбари Нигора Исмоилова. – Улар хизмат қийматининг маълум бир қисмини ойлик маош сифатида олишади. Ходимларга кўрсатилган эътибор уларни беҳад мамнун этди.

– Аҳоли табиий газ истеъмолчиларининг уй ичи газ жиҳозларини йилда бир марта белгиланган тариф бўйича техник кўриқдан ўтказиш, истеъмолчидан келиб тушган газ жиҳозларидаги носозликларни зудлик билан бартараф этиш асосий вазифамиздир, – дейди Бўстонлик тумани газ чилангари Акмал Абдуллаев. – Аҳолига бу борада тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бораёмиз. Кун бўйи хонадонма-хонадон юриб, ўз вазифамизни бажаришда анча қийналар эдик, энди велосипедда бемалол бориб келаверамиз.

Собиржон МУСАЕВ,
«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали мутахассиси

Қашқадарё вилояти

Танлов

ПЕДАГОГЛАРНИ РУҲЛАНТИРИБ...

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти лауреати республика кўрик-танлови педагогларга қўшимча иштиёқ бахш этаётир.

Математика, физика, кимё, биология, инглиз тили, информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича иқтидорли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни мақсад қилган танловда бизнинг жамоадан 10 нафар ўқитувчи қатнашди ва менга кимё фани бўйича республика босқичига чиқиш насиб этди. Бу босқичда ўзимнинг дарс ўтишдаги тақдимотим билан иштирок этаман, бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги, касаба уюшмалари фаолиятига оид билимларимни синовдан ўтказаман. Ўйламанки, ушбу танлов ҳар бир иштирокчининг ижодий ва касбий фаолиятида янги саҳифалар очилишига ҳисса қўшади.

Дилфуза АБДУМУРАТОВА,
Шаҳрисабз шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат ўмумтаълим мактаб-интернати ўқитувчиси



аёлга киришувчи насли олиб бериш у муножаат қилган ташкилотнинг зиммасида эмас.

Боқиманда қатлам, аслида, ҳамма юртда бор. Аммо «мен камбағалман, менга қилиб беришга мажбурсизлар», деган иддаолар билан ўзи сингари ўн, ўн беш нафар бақир-чақир қилиш ҳадисини олган шантажчиларни йиғиб, давлат, нодавлат ташкилотлар эшигида тўпланиб, «спектакль» қўядиган кимсалар кўпайиб бораётгани ҳар қандай виждоний уйғоқ одамни сергаклантириши керак.

Сиз бунга нима дейсиз?

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

МАНЗИЛДА АДАШГАН АРЗЧИЛАР ёхуд шантажчиларнинг ошиғи нега олчи?

Касб тақозосига кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашига келиб тушган кўплаб аризаларни кўздан кечирар эканман, ишдан ноқонуний бўшатишдан ҳолатлар, ойлик маошнинг ўз вақтида берилмаслиги, иш жараёнида меҳнат хавфсизлигига риоя қилинмаслиги тўғрисидаги мурожаатлардан ҳам кўра, уй қуриш учун қурилиш моллари ёки музлаткич, микротўлқинли печь, кир ювиш машинаси олиб беришда амалий ёрдам сўраб ариза ёзганлар ниҳоятда кўпчиликини ташкил қилишига амин бўлдим.

Аслида, касаба уюшмалари биринчи ўринда ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот эканини ҳисобга оладиган бўлса, бундай мурожаатларни ўқиб туриб, «аризачилар манзилда адашибди-да», деган фикрга келишингиз табиий.

Мана шундай аризачиларнинг орасида камбағаллик «медалъон»ини кўксига «тақиб», сўраган нарсасини бермасанг, ташкилот эшиги тагига узала тушиб ётиб оладиган, кунли бўйи жанжал қилишга куч топувчи текинхўр, шантажчи бир қатлам пайдо бўлганки, ундайларнинг «томири»га креслосидан айрилиб қолишдан қўрққан, шу тизимда бир неча йил ишлаб кетган айрим раҳбарлар



сув қўявери, кенг қулоч ёйишига сабаб бўлган.

Ўзининг бадфеъллиги сабаб эридан ажрашиб, камбағаллигини, ёлғиз аёллигини пеш қилиб, ҳар ерда жанжал чиқариб, кам-кўстини тўлдираётган бундай аёлларнинг оғзидан чиққан ҳақоратли сўзларидан ҳатто илон пўст ташлаб юборишни турган гап. Яқиндагина ўша аризачи-шантажчилар қўйган «театр»ни ўз кўзлари билан кўрган бир «томошабин» сифатида айтаманки, бу қатламга

эркинлик берилгани сайин уларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб, «орзу-хаваслари» ҳам ортинг бормоқда.

Агар аёл чиндан ҳам камбағал бўлса, ишсизлиги, ёлғизлиги сабаб зўрға кунини кўраётган бўлса, ундайларга ошиғи билан ёрдам бергинг келади. Қўлига қиммат русумдаги телефон тутиб, «қурилиш бошлаб қўйганман, менга ўхшаганларга ёрдам беришинг керак», дея ҳатто ўчоғи бузилса ҳам ариза ёзиб ташкилотта-ташкилот чопадиган боқимандаларнинг ошиғи олчи эканидан таасуфланасан, киши.

Шу ўринда Наманган шаҳридаги «Гулбоғ» МФЙда яшовчи бир аёлнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси номига ёзган аризасига эътибор қаратсак:

«Менинг ариза ёзишдан мақсадим шуки, соғлиғим ёмонлиги сабабли кир ювиш машинаси олишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман...».

Буни ўқиб туриб, кулишни ҳам, қуйишни ҳам билмай қоласан, киши. Агар шу аёлнинг меҳнат хавфсизлигига риоя қилинмаган шароитларда ишлаб, соғлиғи ёмонлашганида касаба уюшмалари унга иш берувчидан компенсация ундириб бериши мумкин эди. Аммо аризачи



Андижон
вилояти


Лоқайдликми

ё нўноқлик?

Шундай соҳалар борки, ходимнинг арзимасдай туюлган хатоси атрофдагилар учун қимматга тушиши мумкин. Агар фаолиятда хато-камчиликлар тез-тез такрорлангудек бўлса, билингки, мутахассис ё нўноқ, ё ўта лоқайд. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Андижон шаҳар бўлими ходимлари орасида ҳар икки тоифа вакиллари ҳам етарлича, чоғи...

Яқинда ҳудудда фаолият кўрсатаётган давлат идораларидан бирининг 10 нафар ходими номи тилга олинган ташкилотда коронавирус инфекцияси учун текширувдан ўтди. Бир кундан сўнг таҳлил натижалари эълон қилинди: икки нафарида инфекция борлиги аниқланибди. Хуллас, бу ҳақдаги маълумотномаларни олиш учун ходимлардан бири «СЭС»га вакил бўлиб боради... ва тест топширган ҳамкасблари рўйхатини кўриб, мутахассисларнинг иш тутумидан ҳангу манг бўлиб қолади.

Амалиётдаги ҳозирги тартибга кўра, текширувдан ўтганларнинг исм-фамилияси аввал компьютердаги умумий рўйхатга киритилиб, касаллик аниқланганлар номи алоҳида сариқ ранга бўяб қўйилади. Сўнгра хасталикка чалинган ёки чалинмаганлиги ҳусусида уларнинг ҳар бирига икки энлик маълумотнома ёзиб берилади. Гап шундаки, сўз бораётган ҳолатда текширувдан ўтганлардан қарий ярмининг исм-фамилияси базага мутлақо нотўғри киритилган: жумладан, Маттиева фамилияси Шо-диева дея, Эшонова фамилияси Исақова тарзида, Ҳаётбек ва Сарварбек исмли ҳамкасблар эса Ҳотамбек ва Сардорбек



Яқинда ҳудудда фаолият кўрсатаётган давлат идораларидан бирининг 10 нафар ходими номи тилга олинган ташкилотда коронавирус инфекцияси учун текширувдан ўтди. Бир кундан сўнг таҳлил натижалари эълон қилинди: икки нафарида инфекция борлиги аниқланибди. Хуллас, бу ҳақдаги маълумотномаларни олиш учун ходимлардан бири «СЭС»га вакил бўлиб боради... ва тест топширган ҳамкасблари рўйхатини кўриб, мутахассисларнинг иш тутумидан ҳангу манг бўлиб қолади.

шаклида... Худудларда кунига юзлаб, минглаб ҳамюртларимиз коронавирус инфекцияси учун тест топширишяпти. Кимдир касалликка гумон қилиниб, бошқа биров хизмат зарурияти юзасидан... Билишимизча, бирор кимсада хасталик аниқланган тақдирда лабораториядагилар бу ҳақда у яшайдиган ҳудуддаги поликлиникага ҳам дарҳол хабар беришяпти. Дейлик, текширувдан ўтган бирор кимсада касаллик аниқланиб (зикр этилаётган вазиятда ҳам фамилияси бошқача ёзилганлардан бирига вирус илашган), поликлиникага маълум қилинди, аммо исм-шарифи хато ёзилгани боис шифокор ушбу беморга адаш бўлган ва худди шу куни тест топширган

одамга бу ҳақда хабар бериб юборса, нима бўлади? Гарчи касалликнинг бошланғич нуқтасида бўлса-да, вирус илашганлиги ҳақидаги хабардан саросимага тушиб, кўркувдан ҳолати оғирлашган беморлар ҳақида эшитяпмиз, кўр्याпмиз ахир... Атрофимизда бир хил исм-шарифли одамлар кам дейсизми? Қолаверса, ҳузурига келган бир ташкилот ходимларидан тенг ярмининг номини ўзгартириб ёзувчи мутахассис бошқаларда шу каби эътиборсизликка йўл қўймаслигига кафолат борми? Ишониш қийин.

Кишини таажжубга соладиган иккинчи жиҳат шуки, лаборатория мутасаддилари зикр этилаётган ҳолатда 10 нафар фуқаро учун бериладиган маълумотномани тўлдиришга эринчоқлик қилиб, вакил бўлиб борган ҳамкасбнинг қўлига имзо ва муҳр босилган қуруқ бланкаларни тутқазिशган: «Ёзишга вақт йўқ, улгурмаяпмиз, ўзларинг

бошқа
бир
соп-
па-соғ

тўлдириб оларсизлар!?!». Лоқайдлик ҳам эви билан-да энди!

Бугун одамларда хизмат юзасидан ушбу мавзудаги маълумотномаларга эҳтиёж катта. Шу бир энлик қоғоз учун кимдир росмана текширувдан ўтса, яна биров бунинг бошқа – сиздан угина биздан бугина» қабиллидаги «синанган» усулларидан фойдаланмоқда. Бўш бланкалар шу тоифадаги, аммо инфекция илаштириганидан ўзи беҳабар ҳолда гавжум нуқталарда бемалол юрган кишилар қўлига тушса нима бўлади? Бир имзо-ю бир муҳр бор маълумотномани истаган санаси билан тўлдириб, сўралган жойга тақдим этмаслигига лабораториядагилар кафолат бера оладиларми? Касаллик атрофдагиларга юқмаслигига-чи?

Давлатнинг эпидемиологик сиёсати ижросига масъул бўлган бутун бошли тузилманинг қарийб 500 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар бўлимида шаклланган хўжасизларча иш тутумидан юқори турувчи ташкилотларнинг хабари йўқ, чоғи?

Нурилло
НҲЪМОНОВ,
«ISHONCH»



Ислоҳот

томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилди;

– пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

– пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнда ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

– фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Буларнинг барчаси юрдошларимизга яриштирилган қулайликлардир.

Шербек ҲАЙИТОВ,
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Арнасой тумани бўлимининг Пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлаш шўъбаси катта инспектори

Эълонлар

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти ҳокимлигининг 11.08.2021 йилдаги № 11-10/5646-сонли хатига асосан қуйидаги техника воситалари қўйилмоқда:

1. 2018 йилда и/ч, кузов рақами №XW-7BFYHK40S111501, двигатель № №2ARJ141217 рақамли «Тойота Кемри» русумли энгил автотранспорт воситаси (Таъмирталаб ҳолда). Бошланғич баҳоси – 37 879 303 сўм.

2. 1994 йилда и/ч, VIN рақами TNU285PJ-3RKO260092, кузов рақами № 28251 бўлган «Татра 815» русумли юк кўтарувчи транспорт воситаси (Юк кўтариш мосламаси мавжуд эмас). Бошланғич баҳоси – 57 769 183 сўм.

3. Вазни 2200 кг. бўлган 2 (икки) дона «Камаз» русумли автомашинани қўшимча қурилмаси (Рама). Бошланғич баҳоси – 11 930 254 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 15 сентябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабномалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати:

2021 йил 10 сентябрь соат 16:00.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган мулклар 2021 йилнинг 15 сентябрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2021 йилнинг 22 ва 30 сентябрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион садосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: ХАБ «Траст-банк» Фарғона филиали, х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753) тўлашлари лозим..

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. **Тел.:** +99895-402-54-75.

Гувоҳнома № 1894

Наманган шаҳридаги

«NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Наманган вилояти Янгикўрғон тумани «Янгикўрғон туман Агросервис МТП» МЧЖ иштирокчи (таъсисчи)ларининг 2021 йил 21 май куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига, «Янгикўрғон туман Агросервис МТП» МЧЖнинг бюртма хатига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Наманган вилояти, Янгикўрғон тумани, «Қораянтоқ» МФЙда жойлашган, кадастр рақами 16:11:10:01:02:0050, фойдаланишдаги умумий ер майдони 5400,0 кв.м., умумий қурилиш ости майдони 572,16 кв.м., умумий фойдали майдони 576,27 кв.м. (қурилиш ашёлари: пойдевори – бетон, пишган ғишт. Девори – бетон ғишт, пишган ғишт, хом ғишт, пахса. Томи – шифер бўлган Маъмурий бино, Ёрдмчи бино, Бостирма, Молхона, Ҳожатхона ҳамда Металл бостирма)лардан иборат «Ёрдмчи хўжалик» бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси – 40 784 000 (қирқ миллион етти юз саксон тўрт минг) сўм.

Савдога қўйилган қўчмас мулк объектини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар бино-иншоот танишиб чиқишлари мумкин.

Очиқ аукцион сав-

доси 2021 йил 21 сентябрь ва 27 сентябрь кунлари ташкил этилади.

Талабгорлардан аризалар ҳафтининг якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан бошлаб 18:00 гача Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖнинг идора биносига қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан бир кун аввал, яъни 2021 йил 20 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Ариза топширган талабгорлар мулкни бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдоридан закалат пулини «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: АТИБ «Ипотека банк» Наманган филиали, МФО 00223, х/р: 20208000704949150001) савдо бошлангунга қадар тўлашлари лозим.

Аукцион савдоси Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖнинг идора биносига 2021 йил 21 сентябрь куни соат 10:00 да бошланади.

Лицензия 0099

Ҳаёт ҳикматлари

«Ноннинг ушоғи ҳам нон» дейишади. Ушбу пурмаъно ҳикматнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. У улуғ неъмат бўлмиш нонни исроф қилмасликка, эъзозлашга ундайди.



Улуғ мутафаккирлардан бири Абу Ҳафс Кабир Бухорий камбағалликка сабаб бўлувчи бир қанча омилларни баён қилиб ўтган экан. Масалан, нон ушоқларини оёқ остига ташлаш, юзни этак билан артиш, уйни супурмай қўйиш, останада ўтириш, идиш-товоқни ювмаслик, қўлни покламай таом ейиш, тиш билан тирноқ олиш, ёши катталар ва оқсоқоллар олдида кесиб ўтиш...

– Ҳой бола, нонни босаясан.
– Бобо, бу нон эмас, ушоқ-ку.
– Ҳеч қанча вақтинг кетмайди, териб олсанг-чи, ... кўр қилади.
– Эй, кетдим, кўзим оқиб тушсин...
– Таваба де, нодон, тавба...
– Демайман, демайман...

... Қанча сувлар оқиб кетди. Бола эр йигит бўлиб, ҳарбийдан кейин қурувчилик қилди. Бир куни тепадан нимадир кўзига тушгандек бўлди. Биров чанг, биров темир оёқ остига ташлаш, юзни этак билан артиш, уйни супурмай қўйиш, останада ўтириш, идиш-товоқни ювмаслик, қўлни покламай таом ейиш, тиш билан тирноқ олиш, ёши катталар ва оқсоқоллар олдида кесиб ўтиш...
Ийгит нонни, аниқроғи, ушоқни увол тутганини тушуниди, аммо энди пушаймонликдан фойда йўқ эди.
Нуроталик машҳур чорвадор Ғаффор Обидов жуда меҳнаткаш ва тадбиркор инсон. Шу боис, у кишига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор унвони берилган.
Иттифоқо, бир йили у киши билан Ғиждувонга бордик. Зиёрату

тижоратлардан кейин сўлим таомхоналардан бирига кирдик... Дастурхонда уч бурда нон қолди. У киши дуодан кейин хотиржамгина уларни олиб, тоза рўмолчага ўраб, тўрваҳалтасига жойлаштирди. Шерикларимиздан бирининг маъноли қарашини сездимми ёки айтилмаган саволга жавоб дедими, кулимсирабгина изоҳга ўтди:

– Ризқни қолдириб кетмаслик керак. Биздан кейин бу нон бўлакларини ҳеч ким емайди. Кимдир йиғиб, молига бериши мумкин. Худодан кўрқмагани эса ювиндига қўшиб тўкиб юборади. Ҳозиргина берилган ризқ-насибага шукр қилиб, мўл-қўллик сўраб, дастурхонга дуо қилдик. Амалда унинг аксини қилсак, қандай бўлади? Мен отамнинг насиҳатини олиб, эсимни таниганимдан буён нонни ҳам, ушоғини ҳам увол қилмайман. Балки Худо берган давлат, барака ҳам шу амалим туфайлидир...
Ҳа, ноннинг ушоғи ҳам нон. Унинг уволитишини кўрганмиз, эшитганмиз. Бунга мисоллар кўп...

Суюндиқ
Мустафо НУРОТОЙ



Жиззах
вилояти



ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ?

Республикамызда 3 миллион 824 минг нафар меҳнатга лаёқатсиз ва вақтинча лаёқатсиз бўлган пенсия ва нафақа олувчи яшайди. Шундан 2 миллион 849 минг нафари ёшга доир, 386 минг 500 нафари ногиронлик, 189 минг 100 нафари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олади. Бинобарин, бу тоифаларга кирувчи инсонларнинг барчаси давлатимиз эътиборида.

Президентимизнинг шу йил 3 февралда имзолаган тегишли фармонига мувофиқ тасдиқланган 2021 йилги давлат дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қaratилган. 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилди:

– пенсияларни тайинлашда шахнинг иш ҳақи ва меҳнат стажы тўғри-

одамга
бу
ҳақда
хабар
бериб
юборса,
нима
бўлади?

одамга
бу
ҳақда
хабар
бериб
юборса,
нима
бўлади?



Наим КАРИМОВ,
академик

Бугун «зиёратгоҳ» деганимизда нафақат авлиё-ю ўтмишда ўтган қароматғўй аждодларимизнинг қадамжоларини, балки яқин тарихимиз билан боғлиқ, миллатимиз ва ватанимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўчмас из қолдирган қаҳрамон боболаримиз хотирасини, улар ётган манзилгоҳларни ҳам атамоқдамиз. Бунга мисол сифатида, мустабид шўро тузуми даврида Юнус-ободдаги қатлгоҳларда отиб ташланган жойда барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ва у ерга ўрнатилган рамзий сағанани келтириш мумкин.

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Ўтган асрнинг 60-йилларида Туркистоннинг Чор Россияси қўшинлари томонидан забт этилиши билан ўзбек халқи тарихининг мустамлақачилик даври бошланди. 1917 йилнинг февраль ва октябрь ойларидаги инқилобий воқеалар Чоризмнинг тарих саҳнасида кетишини тезлатди. Аммо янги мустабид – большевиклар давлатида, биринчи навбатда, миллий республикаларда яшаган халқ қулга, улар яшаган жаннатмонанд ўлка эса соғин ситигрига айлантирилди. Большевиклар давлати бу муттаҳамлик билангина қиёволашиб қолмай, жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи бошига қарийб саксон йил давомида бало тошларини ёғдириб келди. Халқимиз бу қора кунларни сиёсий қатағонлар даври, деб атади. Сиёсий қатағонлар даврини бошидан кечирган Туркистонда юз минглаб кишилар манғлайига «халқ душмани», «аксилнқилобчи», «миллатчи» сингари ёрлиқлар ёпиштирилиб, уларнинг бир қисми ватанларидан отиб ташланган бўлса, аксар қисми абадий музликлар ўлкасига сургун қилиниб, муборак хоклари ўша ерларда абад ул-абад қолди...

1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгач, «халқ душмани», «аксилнқилобчи», «миллатчи» сифатида йўқ қилиб юборилган юрдошларимиз хотирасини тиклаш ва эъзозлаш ишлари бошланди. 2000 йил Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуаси барпо этилди. Куни кеча ҳатто номларини ҳам тилга олиш тақиқланган юрдошларимизнинг ҳаётлик пайтларида қилган муборак ишлари, фожияли тақдирлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, рисола ва монографиялар, улар-



нинг бир ёки кўп жилдлик асарлари нашр этилди; улар ҳақида радиоэшиттиришлар, телекурсувлар берилди; театр спектакллари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, тасвирий санъат асарлари яратилди; улар ҳаётига бағишланган хотира кечалари, илмий конференциялар ўтказилди, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ва унинг вилоят бўлимлари ташкил этилди...

ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА
ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Тарих саҳнасига янги, забардаст давлат арбобларининг келишлари билан ҳаёт янгиланади, мамлакат ва халқ тарихининг янги тараққиёт даври бошланади. Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги фаолиятини янги ғоялар, янги лойиҳалар, янги ислохотларни амалга ошириш ва Ўзбекистонни янги тараққиёт хиебонига олиб чиқишдек катта мақсад билан бошлади. У қисқа муддатда уй-жой қурилиши, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, фан ва маданият соҳаларинигина эмас, балки маънавият соҳасини ҳам тубдан қайта қуриш стратегиясини ишлаб чиқди.

Ўтган давр ичида, айниқса, янги очилган йилларида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи зиёратчилар билан доим гавҳум бўлган. Кимдир музей залларида бирор яқин кишининг суратини кўриб, ўйчан, кимдир миллий тарихимизнинг бу мусибатли саҳифалари билан танишганидан сўнг кўз ёшларини артиб чиқаётган бўларди. Лекин сир эмас, вақт ўтиши билан мусибат тиглари ўтмаслашганидек, қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримизни хотирлашдек фазилатга ҳам гард қўниб борди. Музейга ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам келиши сийраклашиб қолди. Холбуки, музей ва «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, айниқса, ёшларнинг шу ерга келиб, эрксевар ота-оналарининг хайрли ишлари, фожияли тақдирлари билан танишиб, улардек ватанпарвар, халқпарвар ва тараққийпарвар инсонлар бўлиб улғайишлари учун шу ердан «чўғ» олишлари лозим эди.

Ҳозир «Шаҳидлар хотираси» майдонида, шунингдек, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида шундай ишлар олиб боришмоқдаки, бу майдон ва музейни кеча кўрган кишилар уни қайта очилгандан кейин кўриб танимасликлари ҳеч гап эмас.

Аввало шуни айтиш керакки, бундай мемориаллар барпо этилган жойларда қатағон қурбонларининг исм-шарифлари мармар деворга олтин ҳарфлар билан ёзилган бўлиши талаб этилади. Аммо шўролар даврида КГБ архивларида ишлаб, шундай Хотира китобларини яратиш ниятида режали иш олиб борилмаган. Дастлаб Тошкентда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи барпо этилгани, яқинда унинг вилоят университетлари қошида филиаллари ҳам ташкил этилгани туфайли Хотира китобларини яратиш учун илмий база мавжуд. Шу ҳол боис, аввал вилоятлар бўйича Хотира китобларини, кейин қатағон қурбонларининг мармар деворга ёзилажак Рамзий хотира китобларини яратиш имконияти вужудга келди.

Шу йилнинг 31 августида Тошкентнинг Юнусобод туманида янгиланган «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси ва рамзий Хотира китобининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу вақтгача ер юзидаги бирор собиқ мустамлака мамлакатда ҳуррият ва мустақиллик учун кураш қурбонларининг Хотира китоблари яратилмаган. Бизда яратилаётган Хотира китоблари бошқа мамлакат ва шаҳарларда яратилган Хотира китобларидан шу жиҳати билан фарқланадики, бизнинг икки қисмдан иборат Хотира китобларимизнинг биринчи қисмида Чор Россияси даврида бўлиб ўтган «Вабо кўзғолони», «Дукчи эшон кўзғолони», «Жиззах кўзғолони» каби халқ ҳаракатларида қатнашгани учун дорга осиб ўлдирилган, шунингдек, Сибирга сургун қилинган жабрдийда юрдошларимизнинг ҳам исм-шарифлари ёзилган бўлади.

Яна шуни айтиш жоизки, сиёсий қатағон кампаниялари ХХ асрнинг фақат 30-50 йилларидагина бўлган эмас. 20-йилларнинг бошларида бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб, ўзларини сургун қилиш – «қулоқлаштириш» кампанияси даврида, шўро идораларида ўтказилган «тозалаш» кампаниялари даврида, аҳолининг маълум қисмини «сиёсий ҳуқуқлар»дан маҳрум қилиш даврида, космополитизмга қарши кураш ва «Пахта» иши

даврларида озмунча ватандошларимиз ишдан ҳайдалиб, қамоқларга ташланиб, қанчадан-қанча азобларни бошларидан кечирдилар. Ана шу сўнгги масала – қамоққа олинган фуқароларнинг, НКВД подвалларида, «меҳнат-тузатув лагерлари» деб аталган қамоқхоналарда, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги лагерларда халқнинг ор-номуси бўлган кишилар таҳқирланиб, инсон зоти кўрмаган азобларни бошларидан кечирдилар. Раҳбариятнинг топшириғи билан шу мавзуга бағишланган «1937 йилнинг оқ турналари», «Тарихнинг номаълум саҳифалари» деган очерк ва мақолалар тўпламлари ва бошқа китоблар нашрга тайёрланди.

ЭЪЗОЗЛАШ – ФАҚАТ
ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ЭМАС

«Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадилаштириш» тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинганидан кейин (1999 йил 22 июль) тузилган «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасига шу қадар кўп хатлар келиб тушганки, бу хатларда кўз ёшлари билан ёзилган инсонлар фожиясини ўқиб, дилингиз пор-пора бўлиб кетади.

Мана, ўша хатлардан айрим сатрлар: «...1916 йили Жиззах кўзғолони Зоминга ёйилганида, эл қатори Очил Абдурахимов ҳам жонбозлик кўрсатган. Кўзғолон бостирилгач, жазога тортилган, 12 йилга сурғун қилинган...

Мулла Очил номи билан халқ орасида обрў топган бу киши сургундан қайтгач, яна Зоминга келган, лекин совуқ ўлкаларда соғлиғини йўқотганлиги сабабли оёқ-қўли ишламай қолган, азоб-уқубат билан ўлган...
Зулфия Очилова» .

«...Қаюмхўжа Алиев 1900 йили Тошкентнинг Эгарчи маҳалласида туғилган. 1930 йили аксилнқилобий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида кесилган...

1937 йили Қаюмхўжа яна ҳибсга олинди. Сабоби: яна ўша гап. Унинг шаънига тиркалган 1930 йилдаги айблов, 1937 йилдаги, 1949 йилдаги камалишларида ҳам ўз кучини сақлаб қолган айблов...

«...Шундай қийноқларга чидагандан

кўра отилиб кетганим минг марта афзал эди. Отув ҳаётни бир зумда якунлайди. Қийноқда кечган кунлар, тергов ва судлар ўлимдан минг чандон оғир ва мушкулдир», деган эди Қаюмхўжа Алиев тергов ва суд жараёна-рини эслаб...

Ислом Турсунов» .

«...Жамоалаштириш ҳаракати ишбилармон кишилар тағига суя қўйди. Ака-укалар ҳам қулоқар рўйхатиға тушишди. Барча мол-мулк ва уй-жойлари мусодара қилинди. Орифжон ва Имомжон амакиларим оилалари билан Украинага сургун қилинди. Муслимжон амаким эса оиласини олиб, Қўқонга қочиб кетди. Орифжон амакимнинг ўғиллари Мўминжон укалари Камолитдин билан бирга чет элга қочди. Мустабид тузум катта бир оилани шу тарзда хонавайрон қилди...

Абдулла Муқимов» .

«Тенада Алвастикўприк, сал бериди эса кўрқинчи жарликлар бўлар эди. 1937-1938 йилларда гадойтопмас шу жойлардан кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турарди. Шунда ҳаммаёқни ваҳима босарди. Юрагимиз музлаб: «Ҳукуматнинг ғазабига учрасанг, шу – Тоштурмадан олиб келиб, яширишга отиб ташлайди», деб уйлардик.

Бу қатлу қирғинлар озмунча давом этганими? Қанча одамларнинг ёстиғини қуритган. Қанча оилаларни остин-устун қилиб ташлаган...
Абдужаббор Илёсов» .

Бундай хатларни ўқиган киши шўро давлатининг нафақат 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» даврида, балки ундан олдин – 20-йилларнинг ўрталарида бошлаб ўзбек халқини хонавайрон қилган – мол-мулкни талаб, фарзандларини қатлгоҳларда отган, борса келмас жойларга сургун қилганини англайди.

Агар мустабид тузум даврида қарийб ҳар бир оила бошига тушган савдоларни кўз олдимиздан бир-бир ўтказсак, даҳшатли манзара пайдо бўлади. Газетада мақола ёки бирор тарихий очеркни ўқиб, ҳурматга сазовор, меҳнаткаш, тадбиркор, ижодкор кишиларнинг қатағон даврида қандай таҳқирланганини, мустабид тузум етиштирган жаллодлар ва сотқинларнинг ўз қурбонларини қандай қалтаклаб, уларга уйку бермай, тўқима айбномалар тағига қўл қўйдириб олиш учун қандай қийноқларга дучор этганини кўз олдингизга келтира олмайсиз. Бинобарин, «1937 йил» деган даҳшатлар ҳақида аччиқ ҳақиқат халққа етказилмай қолади.

Шунинг учун ҳам республика раҳбариятининг топшириғи билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги қатағон мавзuidaғи энг яхши роман, қисса, драма ва киносценарийлар учун танлов эълон қилишгани айтии мудоао бўлди, деб ўйлайман. Агар шу кўзда тутилган асарлар билан бирга кўп серияли фильмлар (масалан, Файзулла Ҳўжаев ва Акмал Икромовларни «халқ душмани» бўлганлиқда айблаб, Москвада отиб ташлангани ҳақида) ҳам олинса, халқимиз, айниқса, ёшларнинг ўзбек халқи фидойи фарзандларининг ноҳақ қамалиши ҳақидаги тасаввури, улар ва уларга ўхшаган жабрдийдаларнинг хотираларига бўлган ҳурмати ўн чандон ошган ва улардаги ватанпарварлик, фидойилик ва тараққийпарварлик туйғулари аланга олган бўларди.

Ўзбекистон ифтихорлари ҳақида ҳикоялар

ЧЕМПИОН МУРАББИЙ

Ўзбек халқининг доврўғини дунёга дoston қилган гроссмейстер Рустам Қосимжоновга ФИДЕнинг шахмат бўйича ўн еттинчи ва энг сўнгги жаҳон чемпиони бўлиб қолишдек юксак шараф насиб этган. Зеро, айнан унинг номи билан чемпионлик тожини берувчи «нокаут баҳслар» деб аталувчи мусобақаларнинг тарихи ўз якунига етди. 2005 йилдан бошлаб бу мусобақалар «Жаҳон кубоги» деб номлана бошланди ва ўзининг олдинги нуфузини бирмунча йўқотгандек бўлди.

Рустам Қосимжонов 2004 йили Ливия пойтахти Триполида «Жаҳон шахмат тожи» учун курашда ўша пайтдаги шахмат оламининг энг номдор ва энг нуфузли вакилларидагн Василий Иванчук (Украина), Золтан Алмаши (Венгрия), Александр Гришук (Россия), Веселин Топалов (Болгария) ва Майкл Адамс (Буюк Британия)ларни мағлубиятга учратди. Ўшанда у ғолибликка даъвогар сифатида жиддий баҳоланмаган, тан олинмаган эди. На ракиблар, на мутахассислар унга эътибор беришмаган, айтиш жоиз бўлса, унчама назар-писанд қилишмаган эди. У фақат венгриялик Золтан Алмашини асосий вақтда мағлубиятга учратган бўлса, бошқа барча учрашувларда «тезкор шахмат» ўйини орқали ғолиб бўлди.

Ҳамюртимиз ФИДенинг янги чемпиони бўлгач, ўзидан аввалиги жаҳон чемпиони укра-

иналик Руслан Понамаревни 2002 йилда бошланган «Шахмат оламининг бирлашув жараёналари»дан четлатиб қўйди. Гап шундаки, энди Р.Понамарев эмас, балки Рустам Қосимжонов ягона «Жаҳон шахмат тожи» учун оралиқ саралаш ўйинларида ПША (Профессионал Шахмат Ассоциацияси) версияси бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга рақиб бўлиши керак эди. Аммо афсуски, бу учрашувлар Қосимжоновга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўтказилмай қолди.

Натижада Рустам Қосимжоновнинг ҳаёти шартли равишда бир-биридан фарқ қилувчи икки даврга – шахмат тождори бўлишдан «олдин» ва «кейин»ги даврга бўлиниб қолгандек бўлди.

ОЛДИН:

Жаҳон шахмат тожини қўлга киритгунча Тошкент шахмат мактаби тарбияланувчиси бўлган Рустам Қосимжонов қатор нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Хусусан:

1994 йилда ўсмирлар, 1998 йилда эса катталар ўртасида Осиё чемпиони бўлди;

1999 йил ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллади;

2001 йил Эссенда, 2002 йилда Памплонеда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди.

2002 йил Хай-

дарободдаги нуфузли халқаро мусобақада фақат Виши Анандни олдинга ўтказиб юбориб, иккинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон чемпиони бўлгандан Кейин:

2005 йилда Жаҳоннинг энг кучли саккиз гроссмейстерлари иштирокидаги «Линарес-2005» супертурнирида 6-7-ўринларни бўлишиб олди;

2005 йилда Сан-Луисе шаҳрида ўтказилган ФИДенинг жаҳон чемпионатида М.Адамс билан яна 6-7-ўринларни бўлишиб олди.

Бугунги кунда кимгадир Рустам Қосимжоновнинг шахматчи сифатидаги фаолияти суствлашгандек, турли мусобақаларда камроқ қатнашаётгандек бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бу фикрлар анча баҳсли ва ўринсиздир. Чунки вақт ўтиши билан Рустам Қосимжонов ўз иқтидори ва тажрибасини энди фаол шахматчи сифатида эмас, балки доно маслаҳатчи (секундант), устоз-мураббий сифатида намoён эта бошлади. Унинг юксак салоҳияти, бой тажрибасига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Секундантлик, устоз-мураббийлик соҳасидаги сезиларли натижалари шахмат оламини яна ларзага солиб, унга бўлган эътиборни яна кучайтириб юборди.

Рустам Қосимжоновнинг мураббий-секундант сифатидаги илк фаолияти жуда муваффақиятли бошланди.

2008 йилда у Виши Ананднинг Крамник билан шахмат тожи учун ўтказган учрашувда Анандга мураббий-секундантлик қилди. Ананднинг жаҳон чемпиони бўлишида унинг ҳам катта хизмати борлигини барча эътироф этди. Бу ғалаба Рустам Қосимжоновнинг номини, обрўсини шах-

мат оламида яна юксак чўққиларга олиб чиқди. У билан ишлаганининг маслаҳатчилиги олишга муштоқларнинг сафлари кенгайди. Ўшандан бошлаб у жаҳоннинг мана-ман деган шахматчилари билан ишлай бошлади.

Бугунги кунда у келиб чиқиши асли италиялик бўлган АҚШлик иқтидорли шахматчи билан шахмат оламини забт этишга маҳкам бел боғлаган. Мана саккиз йилдирки, Рустам Қосимжонов бутун борлиғи, онгу шури билан Фабиано Каруано исми ёш шахматчи билан шуғулланади, унга шахматнинг ўзи англаб етган нафис сирларини кунт билан ўргатади. Ўтган вақт мобайлида Фабиано амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсендан кейинги, яъни дунёнинг иккинчи рақамли шахматчисиға айланган. Рустам Қосимжоновнинг бу шогирди яқин орада шахмат тожи учун асосий даъвогар бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳиятни намoён этган Рустам Қосимжоновнинг олдида ҳатти қилиниши керак бўлган кўп масъулиятли вазифалар турибди. У бутун умрини шу қадимий ўйиннинг равнақиға баҳшида этмоқда.

Аъзам ИСҲОҚОВ

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116 сонли «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими фаолияти тугатилмоқда.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ қасаба уюшмасининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимовга акиси

Абдусалом САМАДОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши жамоаси кенгашининг Баҳмал тумани бўлимиаси раиси Норқул Очиловга отаси

ХОЛИҚУЛ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Фарғона кимё заводи» МЧЖ жамоаси корхона бош муҳандиси

Лолахон ТУРСУНОВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛИМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚҮЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – ishonch),
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳиллар:
Д. Худойберганаова,
Ғ.Мираҳмедов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – **20:50**
Топширилди – **21:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма г – **806.**
27619 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТМБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130